

**Эргаш БОЗОРОВ**

# **УМИД ҚУВОНЧИ**


*Шеърлар*

Қарши  
«Насаф» нашриёти:  
2005

84(54)6-5

Кўнгилдаги энг покиза туйғулар оҳанглар тилига кўчиб қалб мулкига айланса, уни мутолаа қилганлар учун нурли манзилларнинг зиёбахш чорлови ҳамроҳ бўлади. Муаллим ва ижодкор Эргаш Бозоровнинг ушбу «Умид қувончи» китобидаги шеърлар ўзининг теран фалсафий мушоҳадалари билан китобхонлар маънавий дунёсини эзгулик зиёсига ошно этади.

Ю31487  
00,  
81



Ю

Б 4702620202- 351  
376 (05) 2005

351 -2005

© Эргаш ҳожи БОЗОРОВ 2005

ISBN 5-7323-0505

## МАЪРИФАТ ФИДОЙИСИ



Эргаш Бозоров 1931 йил 18 майда Қашқадарё вилояти Ғузур туманидаги Авғонбоғ қишлоғида туғилган.

1954 йилда Бухоро Давлат педагогика институтининг ўзбек тили ва адабиёти факультетини тугатган. Эргаш Бозоров ўзининг ярим асрлик умрини маърифат тарқатишдек эзгу ишга бахшида этиб, Ғузур туманидаги мактабларда ўқитувчи, илмий бўлим мудири ва мактаб директори, Ғузур туман халқ таълими бўлими бош назоратчиси ва бўлим мудири муовини вазифаларида самарали фаолият кўрсатган. У «Ўзбекистон халқ маорифи аълочиси» нишони ва «Шавкатли меҳнат учун» медали билан тақдирланган.

Эргаш Бозоровнинг «Ғузур илҳомлари», «Иймон мадҳи дилимда», «Тилақларим», каби китоблари чоп этилган.

---

### ИСТИҚЛОЛСАН - ИҚБОЛСАН

Кундан кун ўсар ёшинг,  
Ютуқларда бардошинг,  
Омон булсин бу бошинг,  
Истиқлолсан-иқболсан,  
Элу-юрт ичра холсан.

Буюк халқим қувончи,  
Тадбиркор, деҳқон, кончи,  
Оқибат дил ишончи,  
Истиқлолсан-иқболсан,  
Тилларда шакар-болсан.

Жаҳонда машҳур номинг,  
Қуйларда шавкат-шонинг,  
Ҳаққа яқин каломинг,  
Истиқлолсан-иқболсан,  
Замин аро жамолсан.

Боболарим орзуси,  
Оналарнинг дил сузи,  
Барчанинг умид кузи,  
Истиқлолсан-иқболсан,  
Нури зиё ҳилолсан.

Бахтим деб ардоқлайман,  
Асло ортда қолмайман,  
Сени қуйлаб толмайман,  
Истиқлолсан-иқболсан,  
Қалб ҳазрати билолсан.

## НЕВАРАМ ТУЙГУСИ

Гудак эдим момом айтарди эртак,  
Илм, хунарли оқила қизлар ҳақида.  
Энди билсам сўзлари эмаскан эрмак,  
Угитлар ижодкор шоир байтида.

Ёшлар адибларин тилимга олиб,  
Ажралмай дейман ҳеч устоз қалбидан.  
Қуддус бобомларга мен қулоқ солиб,  
Илҳом олсам Пўлат Мўмин лабзидан.

Худойберди бобом ҳамиша ҳамдам,  
Биргина тўртлиги ҳаёт мактаби.  
Севимли шоирлар барчалари ҳам,  
Ёшлар меҳрибони мақсад, матлаби.

Олқишлаб қоламан инсон меҳрини,  
Боқийлик тилайлик улар-чун доим.  
Шуаро чархлагай инсон хаёлини,  
Саховат буюқдир, қалблар мулойим.

## СЕВИНЧ

Эътиқодда буюкликдир, эҳтиромда илтижо,  
Илҳақлик Ҳаққа етса биз учун ерда меърож.  
Мўмин инсон тилаклари ҳамиша қутлуг-бажо,  
Аллоҳ берган насибаси барча учун тахту-тож.

Насиб этди хонадонга пайғамбарнинг суннати,  
Бугун кичик гўдакларнинг покдир қалби каломи.  
Бу мўмин-чун буюк ҳикмат Парвардигор ҳиммати,  
Фариштадек ризқи тоза, покиза ассаломи.

Ота-она дилларида оламга сифмас қувонч,  
Қавм-қариндош, дўсту-ёрнинг самога етган боши.  
Ҳақ таолога шукроналар шудир эътиқод-ишонч,  
Ҳа, орзулар каломидир банда тоқат-бардоши.

Севинчларим титратади, табриклайман қалблардан,  
Ҳикматидан ажратмасин сизни асло Худойим.  
Бобо, момо дуолари оқиб турсин лабзлардан,  
Халқи севган фарзанд бўлсин учала бек илоҳим.

### **АЗИЗСИЗ**

Сиз азизсиз меҳрибон устоз,  
Ҳавас ила боқаман дилдан.  
Қанча-қанча таъриф этсам оз,  
Раҳматларим тўкилар дилдан.

Севинч ила ардоқлаб бизни,  
Ақлу-идрок, таълим бердингиз.  
Бошин силаб ҳар ўғил-қизни,  
Азизларим, яшанг, дедингиз.

Бугун байрам муборак бўлсин,  
Тилакларим - ҳеч қачон толманг.  
Шогирдлар ҳам қувончга тўлсин,  
Ҳақ асрасин, сиз асло ҳорманг.

### **НЕВАРАМГА**

Неварам, ҳақ, сени яратган Аллоҳ,  
Ақлу-идрокингни таратган Аллоҳ.  
Меҳру оқибатдир ҳар бир боқишинг,  
Қалбинг кўзларини қаратган Аллоҳ.

Шукрона айтавер аввал Ҳақни деб,  
Умидла бос қадам фақат халқни деб.  
Илм-ҳунар самосида парвоз этавер,  
Бир қадам босмагин тожу-тахтни деб.

Барчамизга севик-ардоқсан доим,  
Фариштасифат бўл, қалбинг мулойим.  
Момонг ҳам, бобонг ҳам доим дуода,  
Икки дунё асрасин сени Худойим.

Отангга-онангга дилдан қулоқ сол,  
Асалсан, ҳар қачон асал бўлиб қол.

## **ЖОН-ЖАҲОНИМ**

Бобуримиз бир дунё,  
У биз учун нур - зиё.

Деймиз аллома, олим,  
Чин меҳрибон муаллим.

Тан олган жумла-жаҳон,  
Севиб ўқир ҳар бир жон.

Фазалларин тинглайман.  
Севингандан йиглайман.

Ўтмишдан даракчи-у,  
Буюк тарих ана шу.

Оталарнинг қалб сўзи,  
Оналар меҳру кўзи.

Доимо кўз олдимда  
Ҳар ўғити ёдимда.

Билим ол, ўқи дейди,  
Биз ёшлар ғамин ейди.

Яшайди бобожоним,  
Чиндан ҳам жон-жаҳоним.

Кўлларимда созим у,  
Тил, қалбим, овозим у.

## **СЕВАРАМИЗ БОР**

Ишда кўллари чаққон,  
Момосига хўб ёққан,  
Кўздан мунчоқлар таққан,  
Шундай неварамиз бор,  
Гулдай Севарамиз бор.

Эндигина беш ёшда,  
Укажонига бош-да.  
Нелар бор бу бардошда.  
Шундай неварамиз бор,  
Гулдай Севарамиз бор.

Камтарин ва мулойим,  
Кулиб турар хар доим,  
Асраб юрсин худойим,  
Шундай неварамиз бор,  
Гулдай Севарамиз бор.

Тинмай китоб ўқийди,  
Баъзан шеър ҳам тўқийди,  
Мақтаб қўйсак йўқ дейди,  
Шундай неварамиз бор,  
Гулдай Севарамиз бор.

Аввал Ҳаққа шукрона,  
Меҳрибон ота-она,  
Шеър ёздим ёна-ёна,  
Шундай неварамиз бор,  
Гулдай Севарамиз бор.

### **БОЛ БОР**

Бобо, нега тилимга  
Бир ари кўниб олди.  
Очиб турдим оғзимни,  
Хатто лабларим толди.

Билиб кўнибди ари,  
Сенинг оғзингда бол бор.  
Сўзларинг ширин-шакар,  
Дилга бермайсан озор.

Шунинг учун момонг ҳам,  
Тилингдан ўпай дейди.  
Босиб бағрига маҳкам,  
Сенинг ғамингни ейди.

Бобожон, айтинг болни,  
Менга ким берган ўзи?  
Ҳақ берган бу иқболни,  
Сўнгра онангнинг сўзи.

## **ЯШНАЙВЕРГИН, МАҲАЛЛАМ**

Оға-ини қариндош,  
Бир-бири-ла ҳамнафас.  
Кексалари бошу қош,  
Тиниб-тинчимас бир пас.

Қизлари жуда чевар,  
Бичиб-тикар, тўқувчи.  
Илму ҳунарни севар,  
Жон деб китоб ўқувчи.

Йигитларин унутманг,  
Мулкдор, ошпаз, пазанда.  
Касб-ҳунарларин қутланг,  
Ҳар хонада созанда.

Жўр бўлса қўшиққа соз,  
Кекса-ёш қувнаб ўйнар.  
Шундай ёқимли овоз,  
Гўё булбуллар куйлар.

Хўжагузар номи бор,  
Шифокорлар макони.  
Дил-тиллари беозор,  
Меҳру-оқибат кони.

Асло кўрмагин завол,  
Ҳақ бахти бўлмасин кам.  
Ҳеч бир этмайлик увол,  
Яшнайвергин маҳаллам.

## **ЭЛИМ ДЕБ ЯШАГИН**

Бокий бўл фарзандим, бағри кенг чинорим,  
Қалбинга кўр бўлсин идрок, номус-ор.  
Меҳринг кўрғонида авлодинг юрсин,  
Она-Ватанингни унутма зинҳор.

Элим деб яшагин, элим деб фақат,  
Соясин солмасин ҳеч қачон ғафлат.  
Умр дақиқаларин қадри буюқдир,  
Англаган кўнгилда садоқат қат-қат.



Дил ноласин эшит, тингла ҳар доим,  
Чорасиз қолсанг ҳам бўлгин мулойим.  
Ожиз пойларига йўл бўлолсанг гар,  
Роҳийм насибасин бергай Худойим.

Ҳаёт деб аталган мўъжиза сув ҳам,  
Баъзан саховатин кўролмас баҳам.  
Бу қилмиш жавоби ёки имтиҳон,  
Билиб ол шукрона сабрингга малҳам.

Фақир Эргашиман бир ожиз банда,  
Фигонлар ҳамроҳмас, илтижо танда.  
Шоядки узолсам қарзларимни тез,  
Иймон азобидан бўлмай шарманда.

### НАЗМ

Тоғларда сув шалола,  
Қалб севинчи ё нола,  
Кокиллар-ла ҳар тола,  
Назм қалбини ахтарар,  
Бу эътиқоддан хабар.

Гул атри ҳамроҳ доим,  
Сабза дилкаш, мулойим,  
Ҳатто булутлар қойим,  
Назм қалбини ахтарар,  
Бу эътиқоддан хабар.

Оқилалар ибоси,  
Иигит-қизлар имоси,  
Гўдак-кулги жилоси,  
Назм қалбини ахтарар,  
Бу эътиқоддан хабар.

Дилда Ватан ишончи,  
Халқим бахти-қувончи,  
Соҳибкор, деҳқон, жангчи,  
Назм қалбини ахтарар,  
Бу эътиқоддан хабар.

Назм ҳикмати дурдона,  
Юрт, фарзанд, ота-она,  
Поклик йўли равона,  
Назм қалбини ахтарар,  
Бу эътиқоддан хабар.

Шеър-ла дуст дарду алам,  
Ҳақ сўз куксимга малҳам,  
Васли риёзат ҳамдам,  
Назм қалбини ахтарар,  
Бу эътиқоддан хабар.

### **БАҲОР**

Диллар қувончи баҳор,  
Кўнгилларда йўқ ғубор.

Олам гўзал ва кўркам,  
Шундай чиройли ўлкам.

Капалаклар учади,  
Гул атрини қучади.

Арилар тўплашар бол,  
Буй чўзар нозик-ниҳол.

Қушчалар тинмай сайрар,  
Барчанинг кўнгли яйрар.

Мен севиниб ўйнайман,  
Шеър айтишдан тўймайман.

Ёзиб чарчамас бобом,  
Тез ёл олдирав момом.  
Диллар қувончи баҳор,  
Кўнгилларда йўқ ғубор,  
Кўнгилларда йўқ ғубор,  
Кўнгилларда йўқ ғубор.

### **ШЕЪР ЁДЛАБ КЕЛДИМ**

Мен ҳам шеър ёдлаб келдим,  
Момомни шодлаб келдим.

Мени мақтаб қўйдилар,  
Қучиб-қучиб тўйдилар.

Дедилар ўқи аъло,  
Бўлгин ақли, доно.

Камтар бўл, кўп гапирма,  
Кўча-кўйда кўп юрма.

Муаллиминг ҳурмат қил,  
Улар устоз, яхши бил.

Сени кўриб севинсин,  
Севара яхши десин.

Ваъда бердим, ўқийман,  
Бобомдек шеър туқийман.

Мен ҳам шеър ёдлаб келдим,  
Барчани шодлаб келдим.

### **ШИРИН БЎЛАР ЧОЙИМИЗ**

Дадажон ҳар кун шундай,  
Ишингиздан тез қайтинг.  
Биз ҳам ухлаб қолмайлик,  
Келиб бир эртақ айтинг.

Қизиқ-қизиқ эртақни,  
Жуда яхши кўраимиз.  
Тунда тинч - ором ухлаб,  
Эрта тонгда тураимиз.

Дастурхонни тушардим,  
Йиғиштириб жойимиз.  
Таътилни бирга қилсак,  
Ширин бўлар чойимиз.

### **МЕН ҲАМ**

Опа, укажонимни  
Мен уйнатиб юраман.  
Қочмасин, боғлаб қўйинг,  
Ҳа, ёнида тураман.

Йиғласа конфет бериб,  
Овутаман эркалаб.  
Бешигин тебратдимку,  
Сиз ётганда эрталаб.

Ҳар доим мендан олдин,  
Укамни қучоқлайсиз.  
Биламан, ҳали ёш-да,  
Шунинг-чун ардоқлайсиз.

Мен ҳам ёш бўлай дейман,  
Майли деб қисасиз кўз.  
Сизга боқиб ўйлайман,  
Бу ёлғонми ё чин сўз.

### **БУЮКСИЗ, БУЮК**

Қалбим вужудида эҳтирос суюк,  
Сизга аталгандир фақат сўзларим.  
Муаллим-устозим буюксиз, буюк,  
Илҳақ термулади менинг кўзларим.

Тўрт йил меҳрингиз-ла билим бердингиз,  
Қувониб тингладим ҳар бир каломни.  
Баъзида фарзандим - қизим дедингиз,  
Менга танитдингиз олам-оламни.

Ушлатдингиз қалам ёдимда ҳали,  
Онани ёзганда ҳаяжон катта.  
Китоб ўқитдингиз, дедингиз балли,  
Сухандон бўласан, насиб албатта.

Ҳисоб-китоблар ҳам сиздандир, сиздан,  
Меҳнатга оқибат меҳру дилингиз.  
Умидим, боролсам устоз изидан,  
Гуфторим бўлолса ширин тилингиз.

Хайрлашув оғир қанчалар бугун,  
Қарздорман ҳамиша эгаман бошим.  
Кўзим олдидасиз, азизсиз кун-тун,  
Шукронам сиздандир, тоқат, бардошим.

Қалбим вужудида эҳтиром суюк,  
Сизга аталгандир фақат сўзларим.  
Муаллим-устозим буюксиз, буюк,  
Илҳақ термулади менинг кўзларим.

### **СИЗ БАХТИЁР ЁШЛАРСИЗ**

Муборак ҳикматини Аллоҳи насиб этган,  
Элу юртин дуоси Раҳмонга бориб етган,  
Ишонч, орзуси, бахти оламни тараб кетган,  
Келажакнинг умиди сиз бахтиёр ёшларсиз,  
Икки аср авлодига дилкаш ватандошларсиз.

Ёритди қалбингизни ишонч, эътиқод нури,  
Ватан, халқ, ота-она, устозларнинг гурури,  
Гуллаётган диёрнинг камолотдан ҳузурни,  
Келажакнинг умиди сиз бахтиёр ёшларсиз,  
Икки аср авлодига дилкаш ватандошларсиз.

Замон даъвати ушбу: илм эгалла, ижод қил,  
Имконлар сенинг учун ҳар жабҳада, яхши бил,  
Орзулар бўлсин битта, битта бўлсин тилу дил,  
Келажакнинг умиди сиз бахтиёр ёшларсиз,  
Икки аср авлодига дилкаш ватандошларсиз.

Жаҳон ҳам тан олмоқда қалб шижоатингизни,  
Амир Темур авлоди қон-қондош зотингизни,  
Чанг юқтирманг неъматга, пок асранг номингизни,  
Келажакнинг умиди сиз бахтиёр ёшларсиз,  
Икки аср авлодига дилкаш ватандошларсиз.

Ниятларим рўёбин мен ҳам бир кун кўролсам,  
Халқим ардоқларининг сафларида туролсам,  
Бахтли сезардим ўзни шеър-ла қалбларга солсам,  
Келажакнинг умиди сиз бахтиёр ёшларсиз,  
Икки аср авлодига дилкаш ватандошларсиз.

## **У ЗОТ ЯГОНА**

Мендан сўнг ўқинглар, ҳа, мендан сўнг фақат,  
Тилга муҳтож сўзларим кўнглимда қат-қат,  
Вужудимни қуршайди ҳаяжон, ҳайрат,  
Волидангиз ардоқланг, у зот ягона,  
Аллоҳдан насиб этган муҳтарам она.

Тоқатлар синовида босолмайди тош,  
Таъмалардан қутилган қалбу тан, кўз ёш,  
Иймонин хазинаси қаноат, бардош,  
Волидангиз ардоқланг, у зот ягона,  
Аллоҳдан насиб этган муҳтарам она.

Илҳақу илтижолар равона унга,  
Ҳаттоки фаришталар парвона унга,  
Парвардигор ҳукми ҳам тавона унга,  
Волидангиз ардоқланг, у зот ягона,  
Аллоҳдан насиб этган муҳтарам она.

Фарзандин мушкулоти тан жароҳати,  
Неваралар шўхлиги жонин роҳати,  
Вужудин бағишламоқ унинг одати,  
Волидангиз ардоқланг, у зот ягона,  
Аллоҳдан насиб этган муҳтарам она.

Шукронаси ўзгада кўринмас гўё,  
Амали Роб ҳукмидир ҳеч эмас риё,  
Эътиқод, эҳсонида муқаддас зиё,  
Волидангиз ардоқланг, у зот ягона,  
Аллоҳдан насиб этган муҳтарам она.

Комил иймонида тақво ҳукмрон,  
Ҳасафу наслларида покизадир қон,  
Ёлғон лабз, нопок нафсдан қийналган виждон,  
Волидангиз ардоқланг, у зот ягона,  
Аллоҳдан насиб этган муҳтарам она.

Дуо-олқишлари мустажоб доим,  
Роҳиймин ҳикматидан қалби мулойим,  
Химоятда асрагай уни Худойим,  
Волидангиз ардоқланг, у зот ягона,  
Аллоҳдан насиб этган муҳтарам она.

Боқиёт қадамлари насиб этса гар,  
Диллардан дуо қилинг туриб тонг сахар,  
Меҳр кўрғонин қуринг, сочманг зебу зар,  
Волидангиз ардоқланг, у зот ягона,  
Аллоҳдан насиб этган муҳтарам она.

Кўриниш-чун кўзлардан ҳеч ёш оқмасин,  
Ҳазабдан еру осмон чақмоқ чақмасин,  
Раҳмоним икки дунё ёмон боқмасин,  
Волидангиз ардоқланг, у зот ягона,  
Аллоҳдан насиб этган муҳтарам она.

Садқа айлаган мудом сизларга бошин,  
Тоқати кўтаргайдир тегирмон тошин,  
Муҳтожга тарқатгайдир бурда нон-ошин,  
Волидангиз ардоқланг, у зот ягона,  
Аллоҳдан насиб этган муҳтарам она.

Меҳнати заҳматидан қўли толмади,  
Мақтовлар умидини дилга солмади,  
Тангридан ажралмади, ёлғиз қолмади,  
Волидангиз ардоқланг, у зот ягона,  
Аллоҳдан насиб этган муҳтарам она.

Мана бугун муборак улуғ етмиш ёш,  
Мулкидир шукронаси, қалбида бардош,  
Тунлари тўлин ой, кундузлар қуёш,  
Волидангиз ардоқланг, у зот ягона,  
Аллоҳдан насиб этган муҳтарам она.

Қалблардан жой олсин Ҳақ, сўнг эса она,  
Оналар ягонадир, ягона она.

### **МЎМИН БЎЛАЙ ДЕЙМАН**

Мўмин бўлай дейман,  
Идрок бергин Аллоҳим.  
Аввало ота-онам  
Қувонсинлар ҳар доим.

Сўнг эса фидо бўлсин,  
Халқим учун жон-танзим.  
Фарзандим деб атасин,  
Шу меҳрибон Ватаним.

Опичлаб укаларим,  
Етакласам қўлидан.  
Қувонарди дилларим,  
Адашмаса йўлидан.

Ёлвораман мен ҳар тун,  
Аллоҳга ўқиб дуо.  
Бирор банданг бирор кун  
Хор бўлмасин эй, Худо.

### **ДИЛ, ТИЛЛАРИ МУЛОЙИМ**

Ёзги таътил кунини  
Момом билан ўтказдим.  
Бирга бўлиб кун-туни  
Ташвишлардан қутқаздим.

Тиниб турмайдилар ҳеч,  
Бир иш билан банд доим.  
Дуо, олқиш эрта-кеч,  
Тиллари кўп мулойим.

Ховлини супурсалар,  
Мен сув сепиб бераман.  
Ошхонага юрсалар,  
Дастурхон келтираман.

Қўшиқ ва эртақ айтиб,  
Қалбни эритадилар.  
Сўрайман қайтиб-қайтиб,  
Қувониб кетадилар.

Ўқисам, ёзсам ҳатто,  
Турадилар кузатиб.  
Баъзида қилсам хато,  
Қўядилар тузатиб.

Менинг шундай момом бор,  
Дил-тиллари мулойим.  
Топмасинлар ҳеч озор,  
Асраб юрсин худойим.

### **ХАБАРЧИМИЗ ҚЎНҒИРОК**

Ҳа, биринчи қўнғирок,  
Меҳри илиқ, кўнгли оқ.

Овози жаранглайди,  
Ҳаммамизни жамлайди.

Бир хонага йиғилиб,  
Бир онага термулиб.

Севинч тўла қалбларда,  
Пичир-пичир лабларда.

Бошлаймиз ассаломдан,  
Мақтаб, устоз каломдан.

Ўқиймиз аста-аста,  
Хатларимиз ораста.

Ўғил-қиз барча иноқ,  
Дугона, дўсту ўртоқ.

Аҳилмиз бир жону тан,  
Олқишлар элу Ватан.



Хабарчимиз кўнғироқ,  
Меҳри илиқ, кўнгли оқ.

## ЯНА ЎША

Чалинса ҳар соатда  
Дердик бу бир одатда.

Синфга югурар эдик,  
Ёки танаффус дердик.

Яна ўша кўнғироқ,  
Овози ўзга бироқ.

Барчамизни чорлайди,  
«Хуш қол»-деб такрорлайди.

Энди опам, акамлар  
Мактаб-ла хайрлашар.

Бизларга бўлиб сирдош,  
Кўзларидан тўкар ёш.

Қўлим менинг кўксимда,  
Мен ҳам бир ёш ўсдим-да!

Акам, опамга раҳмат,  
Дейман кам бўлманг албат.

Йўлингиз бўлсин равон,  
Аллоҳ асрасин омон.

Чалинса ҳар соатда,  
Деймиз бу бир одатда.

Ховлига югурамиз,  
Сизни топмай турамиз.

Яна ўша кўнғироқ,  
Овози ўзга бироқ.

## ҲАР ТУН

(Неварам тилидан)

Ҳар тун айтиб бисмиллоҳ,  
Жойгинамда ётаман.  
Оромда асрар Аллоҳ,  
Тинч уйқуга ботаман.

Тураман тонг севиниб,  
Бисмиллоҳ тилларимда.  
Зилол сувда ювиниб,  
Шукрона дилларимда.

Таътил, туш, кечки овқат,  
Бисмиллоҳда бошланур.  
Айтганда севинч қат-қат,  
Айтмасам кўз ёшланур.

Бисмиллоҳдан куч олиб,  
Тайёрлайман дарсларим.  
Дафтаримга кўз солиб,  
Севинади муаллим.

Бисмиллоҳ деб тураман,  
Сўраб колсалар савол.  
Фақат бешни кўраман,  
Кундалик очсам дарҳол.  
Онамга қилсам ёрдам,  
Мадад беради Аллоҳ.  
Укамлар ҳамкор, ҳамдам,  
Дилда, тилда бисмиллоҳ.

## ҚУТЛУҒ БЎЛСИН

Қутлуғ бўлсин неварам сенинг ўн икки ёшинг,  
Тангри доим асрасин, омон бўлсин шу бошинг.  
Шукрона айт Аллоҳга унинг саховати куп,  
Умрингни бут айласин, қувват бўлсин бардошинг.

Сен она-отангнинг энг катта фарзандисан,  
Меҳринг қуёшдай иссиқ, момонгнинг дилбандисан.  
Сингилларга сеvimли, ғамхўр, меҳрибон ака,  
Бобонг баъзан койийди, лекин асал-қандисан.

Бироқ мағрурланма ҳеч бошқалардан фарқинг йўқ,  
Барча қизлар, ўғиллар сендек аталур қутлуғ.

Ақл йиғ, билим тўпла, камтарин бўл ҳамиша,  
Уялтирма устозни, бизнинг ҳам кўнглимиз тўқ.

Кутлуғ бўлсин неварам муборак мучал ёшинг,  
Мучалларинг ҳали кўп, омон бўлсин шу бошинг.

### **АЛИФБЕ**

Мана мен алифбеман,  
Тарбия боши бўламан.

Ҳамма ҳарфлар менда жам,  
Нуқта, вергул, сўроқ ҳам.

Мўъжизадир ҳар бири,  
Бордир ажойиб сири.

Авалло у муаллим,  
Ўрганган булар олим.

Билмаганлар эринчоқ,  
Барча ишларда қолоқ.

Сиз билан доим ҳамдам,  
Сиз-ла бақувват, бардам.

Яхшилаб билиб олинг,  
Бир умр эслаб қолинг.

### **ҚАДРДОНИМ**

Алифбе қадрдоним,  
Ўртоқ, дўст, меҳрибоним.

Қўлимдан ҳеч қўймадим,  
Ўқиб-ўқиб тўймадим.

Ўгатди илму амал,  
Ҳар бир ҳарфи дуру лаъл.

О, н, а-она деди,  
Устозни доно деди.

Қани ёз деб дадамни,  
Қўлга берди қаламни.

Опа, укамни топдим,  
Севиниб - қувнаб чопдим.

Ўқиш-ёзишни билдим,  
Сўзига амал қилдим.

Қийналмай ўқисам ҳам,  
Синфдан-синфга кўчсам ҳам.

Қўлимдан ҳеч қўймайман,  
Ўқиб-ўқиб тўймайман.

Бугун ҳам тилаб оқ йўл,  
Дер доимо омон бўл.

Алифбе қадрдоним,  
Ўртоқ, дўст, меҳрибоним.

## ЯНГИ ЙИЛ

Арча атрофида биз,  
Қушиқ айтиб қуйлардик.  
Қул ушлашиб ўғил-қиз,  
Ҳар хил ўйин ўйнардик.

Қириб келди Қорбобо,  
Ўнг тарафда Янги йил.  
Келингизлар марҳабо,  
Деймиз қувнаб кўнгил-дил.

Улашар совғаларин,  
Қорбобо бирин-кетин.  
Янги йил дилда борин,  
Сўзлайди аста-секин.

Барча қалблар ҳузурин,  
Олиб келдим кўп китоб.  
Тинчлик, эсонлик нури,  
Ҳаёт йўли-чун офтоо.

Келинг бирга ўқийман,  
Йил бўйи қўймай қўлдан.  
Куй, қушиқлар тўқиймиз,  
Адашмай тўғри йўлдан.

Дедик раҳмат Янги йил,  
Бажарамиз айтганинг.  
Ваъдамизни қатъий бил,  
Жазоси бор қайтганинг.

### **НАВРҶЗ КЕЛДИ**

Мана келди Наврӯз ҳам,  
Шодлигин кўриб баҳам.

Кўнгилларда завқ , қувонч,  
Тинчлик, ҳаётга ишонч.

Чехраларда табассум,  
Кулги жилмайди бир зум.

Сумалак сайли қизиқ,  
Кўриш-сўрашиш илиқ.

Ҳаммамиз завқланамиз,  
Бизлар бахтли боламиз.

Кўлимизда гул ушлаб,  
Дилларимизни хушлаб.

Чопамиз мактаб томон,  
Ҳа, шундай бахтли замон.

Муаллимни қутлаймиз,  
Завқ-ла навбат кутгаймиз.  
Бу насиба Ҳақ бахти,  
Истиклолнинг тож-тахти.

### **ОЗ-ОЗИ ЖОНГА ДАРМОН**

Она, не учун Камол,  
Ховуч-ховуч қор ейди.  
Эртаси боғлаб рўмол,  
Томоғим оғрир, дейди.

Қизим, муздай совуқ қор,  
Қақшатади баданни.  
Томоққа бериб озор,  
Тинч қўймайди соғ танни.

Хатто айиқ полвонбой,  
Оз-озгина еб тўяр.  
Ховучи тўлса деб вой,  
Ярмини тўкиб қўяр.

Музқаймоқ-чи, онажон,  
Ухшамайдими қорга.  
Оз-ози жонга дармон,  
Кўпи тайёр озорга.

Қолганин олгин сўраб,  
Муаллимингдан аста.  
Юрмайсан рўмол ўраб,  
Булмайди танинг хаста.

### **ОППОҚ ҚОР**

Дала-боғда оппоқ қор,  
Аммо ҳеч бермас озор.

Кўриниши юлдузча,  
Қаранг чиройли шунча.

Ўз бағрига чорлайди,  
Бир-биримиз боғлайди.

Қувлашамиз қор отиб,  
Юмалаб, ётиб-ётиб.

Кўрқмаймиз бўронидан,  
Завқ ортар ҳар онидан.

Дарахтлар эгар бошин,  
Бироқ тўкмас кўз ёшин.

Ўхлайди мазза қилиб,  
Ўзин тўшақда билиб.

Дала, боғда оппоқ қор,  
Аммо ҳеч бермас озор.

## ШУКРОНА АЙТ

Шукрона айт яратган учун,  
Умринг бутун, ризкинг ҳам бутун.  
Балолардан асрагай тангринг,  
Онанг-отанг дуода ҳар кун.

Айт шукрона, аталдинг инсон,  
Раҳмонингдан эҳтиром эҳсон.  
Садоқатдан юз ўгирма ҳеч,  
Икки дунёнг бут бўлсин иймон.

Илм, касб изла, жаҳонгашта бўл,  
Самоларга сен узатгин қўл.  
Фақат-фақат шукрона айтгин,  
Бу ҳидоят Аллоҳдан пок йўл.

Ижодкор бўл, янгилик ярат,  
Ҳақ йўлида майли донг тарат.  
Аввал Тангри, сўнг халқ мақтасин,  
Шукронангга эл дилин қарат.

Мағрур бўлма зурриёдингга,  
Доғ тушмасин мумин зотингга.  
Шукронангни қушиб айтсинлар,  
Фақир банда деган отингга.

Зорланма мол-мулкинг кетса ҳам,  
Ҳақнинг ўзи хор-зор этса ҳам.  
Синов учун яратилганмиз,  
Шукр айт, ҳатто ажал етса ҳам.

## АСРАГАЙ ЎЗИ ОЛЛОҲ

Ойи, кеча тушимда,  
Айиқвой уйга келди.  
Қўрқиб-писиб тургандим,  
Ухлаганимни деб билди.

Қўлимдаги конфетни,  
Секин олди авайлаб.  
Ялаб кафтимни ҳатто,  
Лабларимга қўйди лаб.

Бугун ҳам қўрқаяпман,  
Қайтиб келмасмикин деб.  
Болам, ҳеч қачон ётма,  
Конфет ушлаб, конфет еб.

Ётишдан аввал ҳар кун,  
Юз-қўлларинг ювиб ол.  
Ушоқ солма оғзингга,  
Гар бўлса ҳамки у бол.

Сўнг шукрона айтиб ёт,  
Айтгин доим бисмиллоҳ.  
Шунда айиқ ҳам келмас,  
Асрагай ўзи Оллоҳ.

### **ИЙМОН НУРИДАЙ АСРА**

Иймон нуридай асра она-отанг қадрини,  
Ранжитма бирор зум ҳам тирик экан шундай жон.  
Кувончига шерик бўл, сўра алам-дардини,  
Ҳақдан сўнг бош эггайдир уларга бутун жаҳон.

Олқишин ол қалбларнинг будир сен учун дунё,  
Роҳат-фароғатинг шу, шудир Робнинг ҳиммати.  
Бирор зарра қилмишинг асло бўлмасин риё,  
Насиб этгай шафоат ва Муҳаммад ҳикмати.

Мўмин-иймонли ҳолда гар боқиётга кетар,  
Улар-чун хайр, садақангнинг улуғ бўлур савоби.  
Қилинган дуоларинг, ҳажинг ҳам бориб етар,  
Эътиқоду эҳсонинг ҳоқларининг тавоби.

### **ЁШЛАР КЕЛАЖАГИ**

Умид чакнаётган кўзларни кўриб,  
Орзу-ҳавасларинг чунон ортади.  
Жилғалар, ирмоқлар дарё бўлгандай,  
Ёшлар келажаги сени тортади.

Ҳумор кўзлари-ю ташна лаблари,  
Келгуси асрнинг камолин дейди.  
Гўдак бўлса ҳамки илмли, идрокли,  
У доим халқининг ғамини ейди.



Суҳбат қилганингда завққа тўласан,  
Бирор саволинг ҳам қолмас жавобсиз.  
Сизларни она юрт ва халқ кутмоқда,  
О, қани айтинг-чи ким бўлмоқчисиз?

Баъзилар бўлмоқчи боғбон - соҳибкор,  
Отам измидан мен йўл танладим деб.  
Онам айтдиларки, сен бўл мураббий,  
Камолга етасан гўдак гамин еб.

Шифокор бўлсайдим опамдек мен ҳам,  
Халқимнинг умрига бўлардим посбон.  
Акамлар сингари бўлсам учувчи,  
Менга макон бўлур замин у осмон.

Пахтакор, чорвадор, сувчи, қурувчи,  
Турли касб танлаган йигит ва қизлар.  
Уларга таъсирин ўтказганлар бор,  
Нималар қилганмиз, айтинг-чи бизлар.

Ҳарфни танитдик, ўқиш, ёзишни,  
Ойлаб ва йиллаб беролдик таълим.  
Тақдирин топширган бола ўн йиллаб,  
Бизни ҳурматлади, атаб муаллим.

Тарих жабҳасига олиб кирдик биз,  
Ҳақ-ҳуқуқларин билдирдик дарҳол.  
Осмон жисмларин таништирдигу,  
Лекин қолиб кетди муҳим қору ҳол.

Маърифат ва билим, жасорат, журъат,  
Шу улуғ бир номга боғлиқ эмасми?  
Устози бўлсак-у, шогирд бермасак,  
Бизни ҳам мевасиз дарахт демасми?

Юзлаб ўқувчининг қалбин ахтариб,  
Қўнглинг саволига топмайсан жавоб.  
Бирор шогирдинг ҳам сендан руҳланмас,  
Еки педагоглик эмасми савоо.

Давр-ла ёнма-ён заҳмат чекибмиз,  
Хатто касбимиз-ла мақтанибмиз ҳам.  
Лекин хасисликми, билмам надир бу,  
Педагог номини кўрмабмиз баҳам.

Айтолмадик ёки муаллим бўл деб,  
Ёинки қалблардан ололмадик жой.  
Наҳотки меҳрибон, мунис бўлолмай,  
Фақат ўқитувчи бўлдик, ҳойнаҳой.

Дедикми бирор кун қоинот сирин,  
Мақтаб партасида, оғди ўқувчи.  
Қаҳрамон отангу, олим акангга,  
Қодирлик бахш этган биз ўқитувчи.

Кимлар айтмас буюк даҳолар,  
Муаллим меҳридан сабоқ олганин.  
Хайратомуз ишлар яратган инсон,  
Устоз деб мактабга дастлаб борганин.

Наҳотки даргоҳда ўнлаб муаллим,  
Шогирди қалбида кўр бўлолмайди?  
Наҳотки баъзи бир ҳийлагар шахсдан,  
Педагог шухрати зўр бўлолмайди?

Ахир биз эмаску туйғусиз робот,  
Ҳайкал ҳам эмасмиз, сурат ҳам жонсиз.  
Ғар ҳиссу ҳайжон, севги бўлмаса,  
У олам аталур, ҳаёсиз, онгсиз.

Ҳозирдир дастгоҳлар ўқувчи учун,  
Китоб ҳам, компьютер, телевизор ҳам.  
Айтинг-чи қандай зот, қайси педагог,  
Муборак тахтини кўрмайди баҳам.

Чиндан ҳам ёшларга ўз шухратидан  
Тану жон бахш этган айтинг кимлар бор?  
Шогирд тайёрлаган устоз санокли,  
Хаттоки баъзилар касбидан озор.

Шунга қарамасдан айрим педагог,  
Фоздай бўйин чўзар, товуши ғоқ-ғоқ.  
Унутмайлик доим, халқимиз дебди:  
Аввал ўзингга боқ, сўнг ноғора қоқ.

Умид чақнаётган кўзларни кўриб,  
Орзу-ҳавасларинг чунон ортади.  
Жилғалар, ирмоқлар дарё бўлгандай,  
Ёшлар келажаги сени тортади.

## ФАРҚ ҚИЛАРКАН АСАЛДАН АСАЛ

Баҳорнинг биринчи гунча гулини,  
Сўнг очилганига тенг деёлмайман.  
Дастлаб сайраган бир булбулини,  
Юзлаб сайроқиларга беролмайман.

Энг буюк атайди зарра ҳам бўлса,  
Биринчи ушалган орзусин инсон.  
Бош неваранг агар биргина кулса,  
Еки йиғласа ҳам сен учун эҳсон.

Кулоғимга ингаси етганида,  
Ғойибона ўлганман пешонасидан.  
Элнора номини эшитганимда,  
Жой олган кўнглимнинг кошонасидан.

Кейинги яралган барча авлодлар,  
Муборак неvara шукронасидир.  
Хафа бўлмасинлар улар гавҳарлар,  
Элнора гавҳарлар дурдонасидир.

Ҳаммаси-чун дуогўй моможони,  
Илтижо қилади бахт бергин деб Ҳақ.  
Лекин Элнора қиз ўзга жаҳони,  
Ҳар кун бир кўрса ҳам янада илҳақ.

Барчасин атаймиз шириндан-ширин,  
Севиб пешонасин силаймиз ҳар гал.  
Ҳеч кам кўрмаймиз биридан бирин,  
Аммо фарқ қиларкан асалдан асал.

Бугун тўлибди-ку ўн уч ёшига,  
Кўнгли кўп нозик, ҳам бироз эркатой.  
Энди савоб, гуноҳ битган бошига,  
У сизга ҳавола катта келиной.

## СУМАЛАК

Сумалакжон сумалак,  
Сен бир дунё, бир фалак,  
Атрофингда айланар,  
Ешу кекса капалак.

Бир туну кун қайнайсан,  
Козонларда яйрайсан,  
Овозинг биқир-биқир,  
Кушлар каби сайрайсан.

Ҳар қадамда шукрона,  
Куй, кўшиқ дона-дона.  
Айтишувга кўшилар,  
Уғил-қиз, ота-она.

Кутиб азиз меҳмонни,  
Безаймиз дастурхонни.  
Коса-коса сумалак,  
Ким унутар бу онни.

Лаззатин топган инсон,  
Эсдан чиқармас ҳеч он.  
Мўъжиза деб аташар,  
Ва дерлар Ҳакдан эҳсон.

## УМИД ҚУВОНЧИ

Яқинда остонадан етакланган ўғил-қиз,  
Мақтаб сари йўл олган хайрат-ла ташлаб қадам.  
Мубораксиз, мўътабар, бугун яна азизсиз,  
Орзулар қанотида умид қувончи ҳамдам.

Сизни халқим кутмоқда, кутмоқда улуг Ватан,  
Зиё нурин сочай деб бошингиз узра мудом.  
Истиқлол-сиз, иқбол-сиз, ота-она жону-тан,  
Тарк этмасин ҳеч қачон инсон деган буюк ном.

Илм, касб, ҳунар дўстингиз, қалб тўридан жой олсин,  
Ҳамроҳ бўлмасин асло эътиқодда пушаймон.  
Ииллар, асрлар оша замонлар қойил қолсин,  
Элу-юрт бошин силанг, шудир эътиқод - иймон.

Истаклар бўлсин вожиб, тилайман сизга зафар,  
Кашфиётлар жиловин маҳкам ушланг қўлларда.  
Бағримизга босайлик кўришганда ҳар сафар,  
Поёндоздир ҳақ ҳукми қадам босган йўлларда.

## УМИДЛИ АВЛОДЛАР

Заковат ҳукмида қалб мулкин кўриб,  
Дейман илм уммонида сузинг бир умр.  
Замон ардоғининг гаштини суриб,  
Ақл-идрокдан топинг ҳаловат-хузур.

Келажак сизники-бу буюк ишонч,  
Тарих варағида зарҳал хат қолсин.  
Авлодлар қалбида қанчалар қувонч,  
Эътиқод эҳсонин сизлардан олсин.

Тилагим, бош эгсин фаришталар ҳам,  
Сизлардек ўғил-қиз тароватига.  
Элу юрт билан ҳамфикр, ҳамдам,  
Насибадор Ҳақнинг саховатига.

Улар нур эрурлар еру самода,  
Зиё таратгайлар олам-оламга.  
Бўлолмаса баъзан ризқин мабодо,  
Меҳрини берса бас одам-одамга.

Ватаним ардоқла, посбон бўл доим,  
Умидли авлодлар халқим ғурури.  
Қанча тож киймасин камтар, мулойим,  
Улуғ келажакнинг гавҳари - дури.

Заковат ҳукмида қалб мулкин кўриб,  
Дейман илм уммонида сузинг бир умр.  
Замон ардоғининг гаштини суриб,  
Ақл-идрокдан топинг ҳаловат-хузур.

## ЁШ УСТОЗЛАРГА

Ҳаққа маълум сиздек мўмин, сизда камолот,  
Муҳтож жонга саховатин ёғдирган инсон.  
Ҳалол қадам босмоқликнинг ҳар бири бахт-тахт,  
Ахир шу-да Аллоҳидан бандага эҳсон.

Таърифларга тиллар лолдир, аммо эгик бош,  
Ҳикматларнинг қўрғонида десамми буюк.  
Устоз дея улуғлайди сизни кекса-ёш,  
Шунчалар-да эҳтирому эъзозлик-суюк.

Кўксида ғурур, лекин камтар, майин, мулоим,  
Мўминликнинг насибаси сиздан топгай жой.  
Ёмон кўздан, бўҳтон сўздан асрар Худойим,  
Уялтирмас шогирдлар ҳам сизни ҳойна-ҳой.

Сизга дилдан тилагайман бахту барака,  
Истиқлолнинг салобату шарофатини.  
Умр бўйи насиб этсин шундай маърака,  
Мужда этсин Ҳақнинг ўзи шарофатини.

### ЧИНДАН ФАРИШТА

*(Кизларимга)*

Кизларим, кизларим,  
Қуёш, ой, юлдузларим.  
Ризоликлар белгиси  
Дил нидоси сўзларим.

Она дуосин олган,  
Сабрдан мулк тополган.  
Тақдирларнинг ҳукмига  
Ҳақни деб қулоқ солган.

Насиб этган сизга йўлдош,  
Ташвишларга кўзу қош.  
Яхшию ёмон йўлда  
Қувватдир тоқат- бардош.

Сизсиз меҳрибон она,  
Ҳаир сўзингиз дурдона.  
Ўғил-қиз севиб айтар,  
Яратганга шукрона.

Кўрқасиз гуноҳлардан,  
Узоқ зору оҳлардан.  
Умидворсиз ҳамиша,  
Самовий гувоҳлардан.

Ватан дейсиз, дейсиз халк,  
Муҳтож-чун доим шафақ,  
Эл-юрт розидир шояд,  
Барча-чун ҳакамдир Ҳақ.

Ақл-идрок ҳар ишда,  
Сарамжону саришта.  
Пок дил, покиза ҳаё  
Сизлар чиндан фаришта.

Қизларим, қизларим,  
Куёш, ой, юлдузларим.  
Ризоликлар белгиси  
Дил нидоси сўзларим.

### **ИНСОН ҚАДРИ**

Инсонмиз азалдан қадримиз буюк,  
Бекор қила олмас тарки дунё ҳам.  
Тирикликда эсламоқ қанчалар суюк,  
Иўқликда ҳам меҳримиз кўрамиз баҳам.

Аллоҳ назари тушган инсонни,  
Ҳар икки дунёда улуғлаш фарздир.  
Дуодан яралган хайру эҳсонни,  
Туну кун эсламоқ биз учун қарздир.

Демакки жамландик аввал ҳақни деб,  
Қалбу қадамларда меҳру садоқат.  
Оқибат нуридир инсон учун зеб,  
Бандамиз дилларда муҳаббат қат-қат.

Бугун сафингиздан битта жой олиб,  
Мен ҳам олқишлайман ўтмиш аждодни.  
Яхшилар ёдида абадий қолиб,  
Шоядки танисам бир буюк зотни.

Инсонмиз азалдан қадримиз буюк,  
Бекор қила олмас тарки дунё ҳам.  
Тирикликда эсламоқ қанчалар суюк,  
Иўқликда ҳам меҳримиз кўрамиз баҳам.

## МУНДАРИЖА

Истикболсан-иқболсан.....	3	Хабарчимиз қўнғирок.....	16
Умид қувончи.....	3	Яна ўша.....	17
Неварам туйғуси.....	4	Ҳар тун.....	18
Севинч.....	4	Қутлуғ бўлсин.....	18
Азизсиз.....	5	Алифбе.....	19
Неварамга.....	5	Қаддоним.....	19
Жону жаҳоним.....	6	Янги йил.....	20
Севарамиз.....	6	Наврўз келди.....	21
Бол бор.....	7	Оз-ози жонга дармон.....	21
Яшнаивергин, маҳаллам.....	8	Оппоқ қор.....	22
Элим деб яшагин.....	8	Шукрона айт.....	23
Назм.....	9	Асрагай ўзи Оллоҳ.....	23
Баҳор.....	10	Иймон нуридай асра.....	24
Шеър ёдлаб келдим.....	10	Ёшлар келажаги.....	24
Ширин бўлар чойимиз.....	11	Фарқ қиларкан асалдан асал.....	27
Мен ҳам.....	11	Сумалак.....	28
Буюксиз, буюк.....	12	Умид қувончи.....	28
Сиз бахтиёр ёшларсиз.....	12	Умидли авлодлар.....	29
Узот ягона.....	13	Еш устозларга.....	30
Мўмин бўлай дейман.....	15	Чиндан фаришта.....	30
Дил, тиллари мулойим.....	15	Инсон қадри.....	31

## АДАБИЙ-БАДИИЙ НАШР

Эргаш БОЗОРОВ

## УМИД ҚУВОНЧИ

*Мухаррирлар: Темирпўлат Тиллаев,  
Зебо Омонова*

*Техник муҳаррир: Самандар Мусаев.*

*Мусахҳих: Мусо Тўлаганов*

*Компьютерчи: Алиёр Муродов*

## ИБ № 0870

Теришга 12.05.2005 йилда берилди. Босишга 20.05.2005 йилда рухсат этилди. Бичими 84x108 1/16. Газета қоғози. Офсет усулида чоп этилди. Шартли босма табоғи 9,6 Шартли бўёқ-оттиск 9,8 Нашр босма табоғи 2,0. 500 нусхада. 199 2004-шартнома. № 2080 -буюртма. Эркин нархда.

**“Насаф” нашриёти, 730018, Қарши шаҳри, Мустақиллик шоҳ кўчаси, 22-уй.**

Графика МЧЖ 9/12 Қарши шаҳри, Мустақиллик шоҳ кўчаси